

# ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 4

22 сентябр 2022 йил

Қарши шахри

"KAPITAL HOUSE STROY" МЧЖ (корхона, ташкилот, муассаса номи) кейинги ўринларда "ПУДРАТЧИ" деб юритилади, ўзининг Низоми (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи С.Чориев (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан **Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази** кейинги ўринларда "БУЮРТМАЧИ" деб юритилади, ўзининг Низоми (низом, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи бош шифокор Т.Б.Расулов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томонидан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1 Ушбу шартнома бўйича (ПУДРАТЧИ) "БУЮРТМАЧИ" нинг буюртмасига ва тузилган лойиҳа смета ҳужжатларига асосан **Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази том қисмини жорий таъмирлаш** ишларини бажариш, "БУЮРТМАЧИ" бажарилган ишларни қабул қилиб олишни ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.

## 2. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ҚУРИЛИШ НАРХЛАР

2.1 Буюртмачи томонидан тақдим қилинган ҳужжатларга асосан қурилиш ишларининг яъни шартноманинг умумий нархи **305 500 000 (уч юз беш миллион беш юз минг )** сўми ташкил қилади.

2.2 Шартномада кўрсатилган таъмирлаш баҳолари қўйидаги ҳолларда узгартирилиш мумкин.

- Буюртмачининг таклифи бўйича ишлар хажми ва таъмирлаш ишлари муддати узгартирилганда
- Материаллар ва жиҳозлар тури ўзгарганда.
- Шартномани бажариш даврида таъмирлаш қонунчилигидаги баҳоси ўзгарганда.
- Буюртмачи томонидан ёки қутилмаган вазиятлар билан боғлиқ ҳолларда таъмирлашдаги ишлар тухтатилганда.

2.3 Қурилиш ишларининг тугатилиши «30» ноябрь 2022 йил

## 3. ҚУРИЛИШ ИШЛАРИНИ БОШЛАШ, БАЖАРИШ ВА ТУГАТИШ БЎЙИЧА ШАРТНОМАВИЙ МУДДАТЛАР

3.1 Қурилиш ишларини бажариш муддати мазкур шартноманинг 2.3. бандида кўрсатилган муддатгача амалга оширилади.

3.2 Шартномадаги 4.1 бандида кўрсатилган авансни "ПУДРАТЧИ" олгандан сўнг қурилиш ишларини бошлайди.

3.3 "БУЮРТМАЧИ" қурилиш ишларини бажариш даврида "ПУДРАТЧИ" га ўзи томонидан харид қилинган қурилиш материалларини тақдим қилиши мумкин.

3.4 Қурилиш ишлари тўхтаб қолганлиги учун сабабчи бўлган томон бунинг оқибатида келиб чиқадиган хар қандай камомад ёки жавобгарликни ўз зиммасига олади.

3.5 Қурилиш ишлари тугаллаб фойдаланишга топшириш учун тузилган комиссия далолатномаси тасдиқлангандан сўнг капитал қурилиш ишлари тамом бўлган деб ҳисобланади.

## 4. ТЎЛОВЛАР ВА ХИСОБ КИТОБЛАР

4.1 Ушбу шартноманинг умумий нархи 305 500 000 сўми ташкил қилади. "БУЮРТМАЧИ" қурилиш ишларини бошлаш учун "ПУДРАТЧИ" га шартнома нархининг 30% яъни 91 650 000 сўм миқдорда олдиндан тўлайди. Қолган 70% якуний тўловни "БУЮРТМАЧИ" ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат Ф-3, ф-5 далолатнома тақдим қилингандан сўнг амалга оширилади.

4.2 "БУЮРТМАЧИ" тўловни пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4.3 "ПУДРАТЧИ" ташкилот номидан шартномада кўрсатилган суммадан ошиқча бажарилган ишлар учун "БУЮРТМАЧИ" томонидан тўловлар амалга оширилади.

## 5. ЁРДАМЧИ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1 "Пудратчи" қурилиш ишларини юқорида келишилган муддатда тугатиб бинони фойдаланишга топшириш.

5.2 Махсус қурилиш ишларини бажариш учун махсус ёлланма пудратчи ташкилотларни жалб қилади.

5.3 Хар ойнинг 30 санасида жорий ойда бажарилган қурилиш ишлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатларни "БУЮРТМАЧИ" га тақдим қилиши шарт.

5.4 "ПУДРАТЧИ" шартномада назарда тутилган маблағ доирасида ишларни бажаради ва шунга мувофиқ бажарилган ишлар тўғрисида Ф-3, Ф-5 далолатномани тузади.

## 6. БОШ ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1 Шартномада кўрсатилган 4.1 ва 4.2 бандлари бузилса "БУЮРТМАЧИ" хар-бир кечиктирилган кун учун шартноманинг тўланмаган нархини 50% миқдорида "ПУДРАТЧИ" га жарима тўланади.

6.2 "БУЮРТМАЧИ" қурилиш ишларини ўз вақтида белгиланган стандартларга ва амалдаги қонунчиликка асосан қабул қилиб олади.

6.3 "БУЮРТМАЧИ" тасдиқланган сметасига мувофиқ бюджетда назарда тутилган маблағ доирасида шартнома тузади ва шартнома суммасига мувофиқ норма 2-3 далолатномани "ПУДРАТЧИ" билан биргаликда тузади.

## 7. КАФОЛАТЛАР

7.1 Барча ишлар тўлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишин;

Лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалар ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

Ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

Ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартарафт қилишни;

Обетдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

7.2 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартарафт этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса у холда кафолат муддати нуқсонларни бартарафт этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар "ПУДРАТЧИ" томонидан унинг ўз хисобидан бартарафт этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартарафт этиш муддатлари "ПУДРАТЧИ" ва "БҮҮРТМАЧИ" нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар "БҮҮРТМАЧИ" бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартарафт этмаса, у холда "БҮҮРТМАЧИ" мазкур шартноманинг 4.1 бандида назарда тутилган кафолат суммасини "ПУДРАТЧИ" дан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

7.3 "БҮҮРТМАЧИ" нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда уларни текшириб чиқиш "ДАВАРХИТЕКТКУРИЛИШ назорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилинишини истисно этмайди. Жорий таъмирлаш ишлари қабул қилиб олиш далолатномани имзоланган кундан бошлаб 3 ой этиб белгиланади.

## 8. ТОМОНЛАР ЎРТАСИДА ШАРТНОМАВИЙ НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ

8.1 Тарафлар шартномада курсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Уз.Р фукаролик кодекиси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий -ҳуқуқий базаси тугрисида»ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар буладилар.

8.2 Ушбу шартнома асосида келиб чиқадиган хар қандай низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчиликлари талабларига асосан Хўжалик судларида хал этилади.

## 9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

Ушбу шартнома хар иккала томондан имзоланган кундан бошлаб қонуний юридик кучга эга шартнома амал қилиш муддати "31" декабр " 2022 йил

## 10. ФОРС-МАЖОР

Айтиб бўлмайдиган, яъни фавқулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (Зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар форс-мажор) туфайли тарафларда бир шартномани бажармаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги исботланса жавобгар бўлмайди

## 11. БОШҚА ХОЛАТЛАР

Томонларнинг шартнома мажбуриятлари юзасидан ўзаро ҳамкорлик филиб турадилар

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ.

### "ПУДРАТЧИ"

#### "КАПИТАЛ HOUSE STROY"

хусусий корхонаси

Манзили: Карши ш Кучатзор 2/6 уй  
Боғланиш телефони: (99898) 520-01-03  
Х/Р: 20208000805059577001  
Банк: "Davr bank"  
МФО: 01121  
ИНН: 306 303 883

Раҳбар



С.Чориев

М.Ў.

Юрист:

### "БҮҮРТМАЧИ"


#### Вилоят болалар кўп тармоқли

тиббийет маркази

Манзили Карши ш Отчопар МФЙ Халқлар дустлиги кучаси  
Боғланиш телефони 998 (75) 221-11-49  
Ш/ ҳисоб рақами 100021860104017073201054006  
СТИР 202690140 ОКОНХ 91511  
Уз. Рес. Молия вазирлиги Газначилиги  
Х /р: 23402000300100001010  
ИНН: 201122919 МФО: 00014  
Банк : Тошкент ш. Марказий банк бош бошқармаси  
ХККМ

Бош шифокор

М.Ў.



Т.Б.Расулов